

Ислом дини етиб бормаган жойлар

08:11 / 06.01.2019 2555

Ассалому алайкум! Ислом хақида билмайдиган халқларнинг охирадаги хаёти хақида савол бериганида: "Ислом даъвати етмаган одам жавобгар ҳисобланмайди" - деб жавоб берилган экан. Бу хозирги замондаги ахли китобларга ҳам тегишлими ёки фақат ростан ҳам ибтидоий яшаётганлар учунми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Фақат тундра ёки африкани ислом етиб бормаган халқларига тегишли. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Ислом ҳар бир хонадонга кириб боради" деганлар. Ҳозир кириб бормаган хонадон қолмади. Кимдир эътибор қаратмоқда кимдир юз ўгирмоқда. Валлоҳу аълам!